O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 12 июль, №144 (3256) Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГДАНЬСКДА

***ГДАНЬСК. 11 июль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польша Республикаси Бош вазири Лешек Миллер билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишда Ўзбекистон-Польша Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг фаолиятини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Польшанинг Гданьск шаҳрига келди. Мамлакатимиз раҳбарини Поморск воеводалиги воеводаси Я.Курилчик кутиб олди. Ўзбекистон Президенти шарафига ҳарбий денгиз қўшинлари аскарларидан иборат фахрий қоровул саф тортди. Ҳарбий оркестр тантанали марш билан ўтди. Ислом Каримов Гданьск шаҳрининг тарихий қисмини томоша қилди.

Шу куни Гданьск шаҳрида Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси вакилларининг Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Польшага ташрифи 12 июль куни ниҳоясига етади.



*СУРАТДА: ташриф пайтида.*

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган АБН-АМРО банк Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятига 35 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Уч йилга мўлжалланган мазкур маблағ мис ва рух маҳсулотлари экспортини кўпайтиришни молиялаштиришга қаратилган.*

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Шу муносабат билан АБН-АМРО банк ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбарияти журналистлар учун матбуот анжумани ўтказди.

Мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинати йилига 80 минг тонна мис ва 70 минг тонна рух ишлаб чиқаради. Комбинат ўз конлари ҳамда мисни бойитиш ва эритиш заводларига эга.

— Комбинатимизда техникани янгилашнинг биринчи босқичи ўтган йили бошланган эди, — дейди унинг бош директори Геннадий Прохоренко. — Ўтган йили "Ўзуйжойжамғармабанк"дан беш миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинганди. АБН-АМРО банк ажратган 35 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳам мис, рух ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда экспортни кўпайтириш учун зарур бўлган янги техника сотиб олишга йўналтирилади.

Қароргоҳи Амстердамда жойлашган ва қарийб 180 йиллик тарихга эга бўлган АБН-АМРО банк Европадаги энг йирик ўн банк сирасига киради. У кўплаб давлатларда уч мингдан ортиқ бўлимга эга. Уларда 100 мингдан ортиқ юқори малакали ходим фаолият кўрсатади. Шу йил март ойигача бўлган маълумотларга кўра, мазкур банкнинг маблағи 597 миллиард еврони ташкил этган.

АБН-АМРО банк ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўртасида имзоланган битим мамлакатимиз молиявий ҳаётида катта воқеадир. Чунки Ўзбекистоннинг йирик корхонасига илк бор халқаро молия бозорида ҳукумат кафолатисиз кредит берилмоқда. Бу юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга, мамлакатимиз сармоя бозоридаги муҳитга халқаро молия муассасаларининг ишончи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯ

***ЖИЗЗАХ (ЎзА мухбири Тошқул БЕКНАЗАР).*** Вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши ва шу куннинг долзарб вазифаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Кенгаш олдидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда соҳага дахлдор республика ташкилотлари мутахассислари вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни юзасидан мониторинг ўтказди. Шунингдек, ғўза парвариши, ғалла ўрим-йиғимининг бориши билан боғлиқ долзарб юмушларнинг аҳволи ўрганиб чиқилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг тўлиқ фермерлаштирилгани ўз самарасини бера бошлади. Ерга, мулкка муносабат ўзгарди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам барқарор ҳосил етиштираётган фермер хўжаликлари сони йил сайин кўпаймоқда.

Бироқ ердан фойдаланишни, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилишда бир қатор қийинчиликлар ҳам юзага келмоқда. Назоратнинг пасайганлигидан нотўғри хулоса чиқарган айрим фермерлар шартномани бузиб, ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш, гектарчиларга ижарага бериш каби қоидабузарликларни содир этмоқда.

Йиғилишда ердан фойдаланишдаги ўзбошимчаликларга чек қўйиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгиланди.

Кенгашда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, Жиззах вилояти ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

## Халқаро кўргазма

9-13 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да полиграфия, нашриёт, реклама, қадоқлаш соҳаларини ривожлантириш, бу йўналишдаги энг янги технологияларни мамлакатимизга олиб кириш, юртимизда фаолият кўрсатаётган нашриётлар, қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорларга ёрдам бериш мақсадида "O'ZBEKinPRINT ва O'ZUPACK" деб номланган халқаро кўргазма бўлиб ўтади. Ушбу кўргазма мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланиб, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Мазкур кўргазма олдидан махсус ташкил этилган матбуот анжуманидан маълум бўлишича, унда 30 дан ортиқ ўзбекистонлик ва 20 дан ортиқ хорижий компаниялар иштирок этмоқда.

Кўргазма мавзуси сифатида айнан шу соҳанинг танланиши бежиз эмас. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда 818 та корхона шу соҳага ихтисослашган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу кўргазма ўтган йили ҳам ташкил этилган ва кутилгандан-да зиёдроқ натижалар берган эди. Унинг ёрдамида мамлакат бюджети, корхоналар ва тадбиркорлар тахминан 6 ярим миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрдилар.

**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАВОИЙНИНГ ХИРМОНИ

***НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёрқул УМАР).*** Вилоят ғаллакорлари давлатга дон топшириш шартнома-режасини бажарди. Эл хирмонига 88 минг 400 тонна ғалла етказиб берилди.

Ҳосилдорлик ўртача 37 центнерга тўғри келди. Бу муваффақиятга Конимех, Навоий, Қизилтепа туманларининг ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшди. Вилоят ғаллакорлари ялпи ҳосилдорликни 145 минг тоннадан ошириш ниятида ўримни давом эттирмоқдалар.

## ТАРАҚҚИЁТГА РАСМИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида "Тараққиётга расмий ёрдам" (ODA) дастури доирасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, Япония элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирок этди.

Семинарда таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, телекоммуникация инфратузилмасини ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигига янги технологияни жорий этиш ва маданий ёдгорликларни асраш бўйича молиявий ҳамда техникавий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга татбиқ этишга оид масалалар муҳокама этилди.

ODA дастури Япония ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ривожланаётган ҳамда ўтиш давридаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур дастурнинг молиявий кўмаги билан Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари аэропортлари қайта таъмирланган эди. Шунингдек, ODA кўмагида мамлакатимиздаги телекоммуникация тармоқлари ва саноат корхоналари замонавийлаштирилиб, Шўртан газ-кимё мажмуи ва Кўкдумалоқ газ компрессорлаш станцияси қуриб ишга туширилган.

Ҳозир мазкур дастур доирасидаги янги лойиҳаларга биноан ажратилган имтиёзли кредитлар ёрдамида республикамиз коллежлари замонавий ускуналар билан жиҳозланаётир. Мамлакатимиз вакиллари Японияда ўқиб, малака оширмоқда.

**ЎзА.**

Исloҳот ва самара

## ТАДБИРКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

### 3. Сардорнинг ўзи — ишбилармон

Сиз анвойи бўйлар уфуриб, димоқни қитиқловчи турфа гулзорларни кўргансиз, албатта. Аммо республикамизнинг бепоён тоғу даштларида, сувлар шарқираб оқувчи сой ва дарёлари соҳилларида, уфқларга туташ далаю яйловларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда ўсадиган салкам 500 турдаги доривор ўсимлик ва буталарнинг ярим гектар ерга расамади билан экилгани, уларнинг ҳар бири инсон тафти ва меҳридан баҳраманд бўлиб, гуллаб-яшнаётганига шоҳид бўлганмисиз?

Мен Ҳўқанди латифнинг шундоққина биқинида, Данғара туманининг «Найманча» ширкат хўжалиги ҳудудида барпо этилган ана шу ўзига хос тажриба лабораторияси майдончасини кўриб, тўғриси, лол қолдим. Айниқса, бу маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, улардан 37 хил доривор чой, дамлама ва 5 турдаги фармацевтика мойи тайёрланишини эшитгач, янада ҳайратга тушдим.

— Ерни шартнома асосида узоқ муддатга ижарага олганмиз, — дейди Қўқондаги «Oleumpharm Co. Ltd» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Маъруфжон Назиров. — Жамоамизда 15 киши ишлайди. Улар асосан ноёб доривор ўсимликларни маҳаллий шароитга мослаб ўстириш, ҳар қайсисидан муайян шифобахш қисмини йиғиштириб олиб, қуритиш, саралаш ва сифатли хомашёни корхонага топшириш билан шуғулланади.

**ИЗОҲ.** *«Oleumpharm Co. Ltd» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси шаҳар ҳокимининг 2001 йил 15 июлдаги 248-сонли қарори асосида ташкил этилган. Фаолият тури — фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш. Унинг раҳбари Маъруф Назировнинг маълумоти — олий. 1982 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини, 1988 йилда эса Бутуниттифоқ патентшунослик институтини тамомлаган.*

— Барибир сиз деҳқон эмас экансиз, бу ўсимликларнинг парваришини, яъни уларни экишдан бошлаб ҳосилини йиғиштириб олгунга қадар амалга ошириладиган агротехника тадбирларини ким назорат қилиб боради? — сўраймиз ундан.

— Бир отахонимиз бор. Исми-шарифи — Зиёвуддин Одилов. Доривор ўсимликлар агротехникасини сув қилиб ичиб юборган, десам, муболаға бўлмайди. Катта тажрибага эга. Мен ҳам у кишидан кўп нарсаларни ўрганишга улгурдим...

Қаранг, қандай уддабурро одамларимиз бор-а!

Жўяклар ичидан юриб, пайкални айланарканмиз, қизиқишимиз тобора ортиб, вужудимизни ҳаяжон чулғайди.

— Бу қайси ўсимлик?

— «Валериана». Илдизи ва илдиз пояси юракка даво,марказий асаб тизими қўзғалишларини тинчлантиради, қон босимини пасайтиради. Тошкентдаги ўсимлик моддалари кимёси институтида бизнинг маҳсулотимиз текширилганда, унинг таркибида 35 фоиз экстрактив модда борлиги аниқланди. Ваҳоланки, Россияда етиштирилган «Валериана» ўсимлигида бу кўрсаткич 25 фоиз, холос.

— Буниси-чи?

— «Облепиха», — дейди ҳамроҳимиз унинг худди тоғ олчасига ўхшаш сариқ мевасига ишора қилиб. — Ундан мой олинади. Бу мой эса ошқозон-ичак касалликларига малҳамдир.

Мойчечак, чаканда, стивия, бўймадарон, сув қалампири, қора андуз, сано барги, маврак... Уларнинг ҳар бири инсон организми учун шифо бағишлайди.

— Хомашёни йиғиб олгач, уни нима қиласизлар?

— Ўзбекистон ва Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар ёрдамида қайта ишлаб, лаборатория таҳлилидан ўтказгач, фирмамиз ёрлиғи туширилган қоғоз пакетларга 25, 50 ва 75 граммдан қадоқлаймиз. Бундай пакетлар билан шартнома асосида шаҳримиздаги «Микропринт» фирмаси таъминлаб туради. Кейин тайёр фармацевтика препаратларини республикамиздаги дорихоналар, касалхоналар ва бошқа тиббиёт муассасаларига сотамиз. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1882-рақамли лицензияси, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 016163-рақамли «гигиена сертификати», Қўқон шаҳар текшириш ва сертификациялаш марказининг 533711-рақамли «тегишли сертификати» берилган.

— Маҳсулотни сотиш масаласи қандай ҳал этилмоқда?

— Бу йил истеъмолчиларга 70 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузганмиз. Хусусан, Тошкент шаҳридаги «Тўлин ой» дорихонаси 3 миллион сўмлик, «Лола» масъулияти чекланган жамияти 5 миллион сўмлик, «Фарм-арко» хусусий фирмаси 3 миллион сўмлик, «Юнусхон» хусусий фирмаси 1 миллион сўмлик, «Ўзкимёсаноатфарм» акциядорлик жамияти эса 10 миллион сўмлик фармацевтика препаратларимизни харид қилмоқчи.

(Боши ўтган сонда. Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда



## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко икки мамлакат ўртасидаги яқин муносабатлар, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бугунги аҳволига тўхталди.

— Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда, — деди элчи. — Жумладан, рақамларга назар ташласак, ўтган олти ой ичида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ортиб, 160 миллион АҚШ долларига етди. Бунда, шубҳасиз, икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган аҳдлашувлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда Украинанинг йирик компаниялари мамлакатимиз бозорига фаол кириб келмоқда. Хусусан, йил бошида "Донбасс саноат уюшмаси" корпорацияси Ўзбекистонга катта ҳажмдаги қувурлар, бурғилаш ва конларни қидиришда фойдаланиладиган техника етказиб бериш учун ўнта шартнома имзолаган эди. Ўтган олти ой давомида ушбу корхона мамлакатимизга қиймати қарийб 10 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот етказиб берди.

Украинанинг "Сож Инвест" молия-саноат компанияси билан "Ўзкабел" давлат акционерлик компанияси кабел маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турибди. Бундан ташқари, мазкур компания Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан ҳам қўшма корхона тузишни режалаштирган.

Икки мамлакат таълим соҳасида ҳам ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йил 31 нафар ўзбекистонлик иқтидорли йигит-қиз турли йўналишлар бўйича Украинанинг нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олади.

Улар фойдали қазилмалар, тоғ-кон саноати, металлургия, экология каби соҳалар бўйича беш йил давомида билим ва малакаларини оширади. Талабаларнинг ўқиш харажатларини Украина томони ўз зиммасига олган.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Жойлардан хабарлар

### Варшава университети нишондори

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти билан Польшадаги Варшава университети ўртасида яқин алоқалар қарор топиб, тарихий манбаларни тадқиқ этишда муваффақиятларга эришилмоқда. Археология институтининг директори, профессор Темур Ширинов бу борадаги саъй-ҳаракати учун Варшава университети томонидан таъсис этилган махсус нуфузли медаль билан тақдирланди.**

**Бундай мукофот археология соҳасида самарали тадқиқотлар олиб бориб, жиддий ютуқларга эришаётган йирик олимларга бериб келинмоқда.**

*Атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" асари грек тилига таржима қилинди. Шу муносабат билан Афинадаги "ЭМКАТ" ташкилотида янги китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

### «Шарқ Марк Твени» Грецияда

**Ўзбекистон Республикасининг Афинадаги бош консулхонаси ҳайрихоҳлигида ва "Афинада Ғафур Ғулом ҳафталиги" доирасида ташкил этилган бу маросим забардаст сўз санъаткорининг 100 йиллик таваллуд тўйига бағишланди.**

**Греклар учун Ғофур Ғулом ижоди янги топилма эмас. Тарихшунос Димитрис Янгос таржимасидаги "Шум бола" асари эса атоқли адибимизнинг грек тилидаги илк китобидир**

**Хориж адабиётшуносларининг Ғофур Ғуломга "Шарқ Марк Твени" деб нисбат берганликларига ҳам айнан шу саргузашт қисса сабаб бўлгани табиий.**

**Аваз БЕРДИҚУЛОВ,**
**"Жаҳон" АА.**

### Испаниянинг «Мовий осмон»и Зоминда

**Испаниялик бир гуруҳ санъаткор-сайёҳлар Зомин туманидаги «Лочин» оромгоҳида «Мовий осмон» деб номланган томошаларини намойиш этди. Гуруҳнинг қизиқарли чиқишларини дам олувчилар мириқиб томоша қилдилар.**

**Миллий анъаналаримиз, удумларимиз, бой санъатимиз билан қизиқаётган хорижлик ижодкорлар ўзбекона тўйлар жозибаси «келин салом»лар катта таассурот қолдирганлигини таъкидлашди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Уч боксчимиз ярим финалда

### Таиланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтаётган бокс бўйича жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди

Илк бор барча вазн тоифаларида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоасининг 6 нафар аъзоси чорак финал баҳсларига етиб келишганди. Бу босқичда яна уч нафар ҳамюртимиз мусобақа билан хайрлашишди. 60 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Дилшод Маҳмудов венгриялик рақибига очколар бўйича имкониятни бой бериб қўйди. Ўтган жаҳон чемпионатининг кумуш медал эгаси Ўткирбек Ҳайдаров чорак финалда дунё рейтингида биринчи ўринда турган Куба давлати вакили билан кейинги босқич масаласини ҳал қилди. Финал жангига қиёсланган баҳсда орол мамлакатининг боксчисига омад кулиб боқди. 91 килограммлик боксчимиз Сергей Михайлов ҳам кутилмаганда германиялик рақибига ютқазиб қўйди.

Умидли боксчимиз Баҳодир Султонов эса, катталар ўртасидаги мусобақаларда ҳам ишончли ҳаракат қилмоқда. У ярим финал йўлланмаси учун кечган «жанг»да кореялик чарм қўлқоп устасига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Энди Баҳодир бу босқичда россиялик Геннадий Ковалёвга қарши рингга кўтарилади. Агарда ёш боксчимиз Россия вакилини мағлубиятга учрата олса, 12-жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритиш учун кубалик Гуллиермо Ригонде Ортиц билан баҳс олиб бориши мумкин. Мутахассисларнинг эътироф этишича, айнан финалда шу икки рақиб бирбирига рўбарў келади. Ҳамюртимиз ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳисобланса, Гуллиермо Ортиц 2001 йил Бельфастда ўтказилган жаҳон чемпионатининг ғолиби, шунингдек, Сидней Олимпиадасининг олтин медаль совриндори ҳамдир.

Чорак финалда қозоғистонлик рақибини енгган 69 килограммли Шерзод Ҳусановнинг ярим финалда ҳамюртларимиз орасида имконияти энг яхши баҳоланмоқда. Озарбойжонлик боксчи синовидан ўта олса, Шерзод чемпионликка жуда яқин қолади. Ўта оғир вазнли Рустам Саидовнинг ярим финалдаги рақиби анойилардан эмас. Россиялик Александр Повесткин Олимпиада ўйинлари совриндори бўлиш билан бирга, 2002 йилда «Яхши ниятлар ўйини»да Рустамни мағлубиятга учратган эди. Ҳамюртимизнинг бу сафар ғалаба қозонишини жуда-жуда истаб қоламиз.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги цех ишга тушди

*Сурхондарё вилоятидаги «Узун пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳудудида йилига 110 тонна калава ип тайёрланадиган янги цех қурилиб ишга туширилди. Натижада шу ердаги нотўқима мато ишлаб чиқариш цехи учун зарур бўладиган хомашёни бошқа корхоналардан келтиришга барҳам берилди. Шу билан бирга, ўнлаб янги иш ўринлари очилди.*

***СУРАТДА: нотўқима ва ип йигирув цехи етакчиси Ўктам Раҳмонов — ёшлар мураббийси.***

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**



# ТАДБИРКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

— Жаҳон бозорига ҳам чиқиш ниятингиз бордир?

— Албатта. Ҳозиргача Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги «Ленмединфарм» фирмаси билан шартнома тузишга эришдик. Айни пайтда технология ва тиббий воситаларни янгилаш, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган препаратларни тайёрлаш мақсадида Югославиянинг «Ромако», «Россиянинг «Алсан», «Фармлизинг» ва «Давган» компаниялари, Германиянинг Ўзбекистондаги «Феростал» фирмаси маъмурлари билан музокаралар олиб бораяпмиз.

Қойил-э! Бир тадбиркор бўлса шунчалик бўлар-да! Лаббай?

Воқеанинг энг қизиғи ҳокимликда юз берди.

— Қалай, раисимиз сизга маъқул бўлдими? — кутилмаганда ҳоким Абдуҳаким Хўжаев сўраб қолди.

Мен тушунмагандек бўлиб, елка қисдим. Маълум бўлишича, «Oleumpharm Co. Ltd» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари, боягина бизнинг ҳавасимизни келтирган Маъруфжон Назиров шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси экан...

— «Табиб табибмас, бошидан ўтган табиб», дейишади. Тадбиркорларнинг сардори ишбилармон бўлиши кўп маънони англатади, — сўзида давом этди Абдуҳаким ака. — 8883 та кичик ва ўрта, хусусий бизнес субъектларини бошқариш, ларини очишда уларнинг улушларини оширишга эришиш осон эмас, ахир! Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг таркиби бутунлай яхшиланди. Ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ҳиссаси 65 фоизга етди! Кадр танлашда адашмаганимизнинг натижаси бу!

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА.** *Ўтган йили шаҳарда 290 та кичик ва ўрта бизнес субъекти тузилди. Бу бултургидагидан 20 та, 2001 йилдагидан эса 89 та кўпдир. 2680 нафар жисмоний шахс эса рўйхатга олинди.*

*2002 йилда, айниқса, микрофирмаларнинг сони кескин даражада ўсди. Мисол учун, 2001 йилда 1193 таси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ўтган йили 1427 та микрофирма ташкил қилинди. Ҳокимлик томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ишларини янада яхшилаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли эса фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлар сони 407 тадан 207 тага қисқарди.*

*2003 йилнинг тўрт ойи мобайнида ҳам бу борада сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, ана шу муддат ичида 1120 та жисмоний шахс, 127 та юридик шахс ўз фаолиятини бошлади. Улардан 480 нафари эса палата аъзолигига қабул қилинди.*

уларни ривожлантиришни рағбатлантириш йўлида елиб-югуриш, ҳар бир масалада тадбиркорларга елкадош бўлиб, оғирини енгил қилиш, муҳими, зарур хизмат тармоғини ташкил этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш орқали халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, янги иш ўрин-

Табиий савол туғилади: бугунги кунда 8883 та кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъекти мавжуд экан, улар шаҳарда ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, ички бозорни тўлдириш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ишига қай даражада ҳисса қўшмоқда? Улар кимлар?

### 4. Устозлар ва шогирдлар

Бу қадимий ва навқирон шаҳарда азал-азалдан ҳунармандчилик ривожланган, хусусан, тўқимачилик, амалий санъат, темирчилик, ганчкорлик, ўймакорлик, миллий пойабзал ва кийим-кечаклар тикиш билан шуғулланадиган устахоналар кўп бўлган. Устоз ва шогирдлар мактаби яратилган. Ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда.

— Бугунги кунда, айниқса, катталар ўртасида ҳам, ёшлар ўрасида ҳам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга интилиш ҳисси кучли, — дейди Маъруфжон Назиров. — Биз шуни ҳисобга олиб, уларга эмин-эркин иш юритишлари учун шарт-шароитлар яратиб бераяпмиз. Шу билан бирга, ҳокимлик билан келишган ҳолда «Ҳар бир тадбиркор узоғи билан икки йил ичида 3-4 тадан шогирд тайёрлаши шарт» деган масалани кун тартибига қўйдик. Устозлар таклифимизга бажонидил рози бўлдилар. Охир-оқибатда бу шаҳарда халқ истеъмоли истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, ички бозорни рақобатбардош товарлар билан тўлдириш билан бирга, ишсизлик муаммосини муайян даражада ҳал этиш, аҳоли даромадларини бирмунча ошириш имконини берди.

Биз Қундузхон Умарова раҳбарлик қилаётган «Юлдузча» хусусий корхонасидамиз. Бу ерда колготкалар, болалар ва катталар учун пайпоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, 12 ўлчовдан 27 ўлчовгача бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жамоа аҳли бултур 25 та тўқув ва тикув машинаси ёрдамида 30 миллион сўмлик товар тайёрлаб, барисини республикадаги улгуржи савдо базаларига етказиб берган эди. Якунда нақ 5 миллион 200 минг соф фойда олинди. Ушбу маблағнинг 550 минг сўми эса хайрия мақсадларига ажратилди.

Бу йил эса барча вилоятлар улгуржи савдо базалари ва Тошкент шаҳар дўконлари билан 60 миллион сўмлик маҳсулот бериш юзасидан шартнома имзоланган. Ярим йиллик натижалар шартнома шартлари зиёди билан бажарилишидан далолат бермоқда.

— Биз, шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва шу асосда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори талабларини ижро этиш мақсадида, — дейди бош менежер Валижон Китаев, — маҳаллий хомашёдан спорт пайпоқлари ва гедралари ҳам ишлаб чиқараяпмиз. Бу маҳсулотларнинг дастлабки харидори Фарғона футбол мактаби жамоаси бўлди. Тошкентда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган ярмаркада намойиш этилган товарларимиз эса барча вилоят спорт қўмиталари вакилларига ҳам маъқул тушди. Пировардида улар билан ҳам шартнома тузишга эришдик.

— Корхонамизда асосан маҳалламизда яшовчи 30 нафар қиз-йигит меҳнат қилади, — суҳбатга қўшилди Қундузхон ая. — Уларнинг ҳаммаси — менинг шогирдларим. «Шогирд устоздан ўтар» деганларидек, эндиликда ҳар бири ўз зиммасидаги ишни қойилмақом қилиб бажармоқда. Бундан қувонмай бўладими, ахир?!

Аянинг қувончларига шерик бўлиб турганимизда, ногаҳон бош менежер кўнглидаги бир дардни тўкиб солса бўладими! У нима дейди денг?

— Ишлаб чиқаришни барқарор юритишимизга шаҳар ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, ҳатто 60-маҳалла қўмитаси ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Уларга минг марта раҳмат! Лекин Сурхондарё вилоятидаги Термиз матлубот савдо базаси мутасаддиларининг ҳурмача қилиқларига ҳалиҳануз тушуна олмаяпмиз. Бу база биздан 850 минг сўмлик маҳсулотни харид қилган эди. Шартномада белгиланган муддат аллақачон ўтган бўлса-да, бир неча марта огоҳлантиришларимизга қарамасдан, улар тегишли пулни ҳисоб рақамимизга ўтказиб бермаяпти.

«Ошдан курмак чиқди» дегани шу эмасми? «Қарз, қарзни бериш — фарз!» дейдилар. Илоё, термизлик жанобларга инсоф берсин!

«Чархий» савдо марказида хорижникидан асло қолишмайдиган мебелларни кўрдик.

— Салонда турган 20 турдаги маҳсулотларнинг ҳаммаси хусусий тадбиркор Рустамжон Мухторовнинг қўлида сайқал топган, — тушунтирди марказнинг мебель бўлими бошлиғи Ноилжон Муҳаммадиев. — Сифати аъло, нархи арзон бўлгани учун улар харидорларга манзур бўлмоқда.

Рустамжон Мухторов ким? Қўли гул уста. Шогирдлари Нодиржон Қодиров, Мақсуджон Сулаймонбеков Абдулазиз Ғиёсов, Исмоилжон Меликўзиев ва Азизхон Умаровлар билан бирга у ҳар ойда 2-3 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Шундай маҳсулотларки, кўзингизни қамаштиради. Шу боис улар буюртма асосида Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона ва Навоий вилоятларига ҳам жўнатилаяпти.

Машойихларнинг бири «Кимнинг иши юришмаса, ота касби билан шуғуллансин» деган экан. Бу пурҳикмат гапнинг моҳияти шуки, ота касби — улуғ касб, унинг этагидан тутган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Қўқонлик тадбиркорлар фаолияти билан танишиш асносида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Мисол учун, «Чашма» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасида (раҳбари Абдуллажон Қўшмоқов) тиббиёт момиғи, «Кулол» масъулияти чекланган жамиятида (бошлиғи Мўйдинжон Ғафуров) халқ истеъмоли моллари, «Қўқон одеяли» очиқ акциядорлик жамиятида (раиси Илҳомжон Бойтемиров) пахтали ва ярим жунли одеяллар, «Ҳабибулла Убайдуллаев» хусусий фирмасида полиэтилен плёнкалар, «Киндер-Қўқон» (раҳбари Алишер Гапаров) ва «Носир Турдиалиев» хусусий фирмасида 15-30 турдаги пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, ана шу жамоалар мутасаддиларининг аксарияти оталарининг ишларини давом эттирмоқдалар. Янада аниқроқ қилиб айтганда, улар янги замонда янгича усулда, замонавий технологиялар асосида ишнинг кифтини келтирмоқдалар.

— Айни кунларда умумий қиймати 5 миллион 130 минг АҚШ доллари қийматидаги 22 та янги лойиҳани тайёрлаяпмиз, — деди пировардида Маъруфжон Назиров. — Жумладан, «Гўзал-Қўқон» хусусий фирмасида 55 минг АҚШ доллари ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Меҳригиё» хусусий фирмасида 25 минг АҚШ доллари ҳисобига сут маҳсулотлари тайёрлаш, «Техника» масъулияти чекланган жамиятида эса 50 минг евро ҳисобига «Пейжер» алоқасини ўрнатиш мўлжалланган.

Булардан англашиладики, қўлга киритилган ютуқлар шаҳарда тадбиркорлик соҳасида устоз ва шогирд масаласининг оқилона ҳал этилгани, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун етарли шароит яратилгани, уларнинг қўллаб-қувватланаётгани натижасидир. Ишонамизки, бундан буён ҳам тадбиркорлик ҳаракати янада кучаяди, аҳоли бандлиги масаласи ҳал этилиб, меҳнаткашлар даромади тағин-да кўпаяди, муҳими, миллий фаровонликка эришилади.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**Нодавлат ташкилотларда**

*Бу кўҳна дунё бешигига аслида меҳр оналик қилса, тафаккур оталик қилар эмиш. Онасиз етимлик қанчалик оғир бўлса, меҳрсиз дунё — шунчалик қоронғи. Яқин ўтмиш мафкураси сездирмасдан энг нозик томирларимизни нишонга олди. У авлодларимизни узоқ йиллар гўё онасиз ўстиргандек, меҳр-мурувватсиз, таҳлика ва қўрқувда тутди. Оқибатда ака укага бегоналик, қўшни қўшнидан хавфсираш, жигарнинг ўз жигарига ётлик аломатлари кўпая бошлади.*

# УЛАРГА ЕЛКАНГИЗНИ ТУТИНГ

Аслида, биз ўзбеклар қанчалик сабр-қаноатли бўлсак, шунчалик меҳр-мурувватли ҳам бўлганмиз. Насллармиз қиёфасида Қодирий ифодалаган маънавият, маданият, шарққа хос вазминлигу андиша кўриниб турган. Ўрта Осиё республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда 1909 йилда бир гуруҳ маърифатпарвар кишилар ташаббуси билан меҳр-шафқат жамғармаси тузилган. Аслида, у норасмий тарзда тузилган илк нодавлат ташкилот эди. Тошкент ва Қўқоннинг энг нуфузли маҳаллий бойларидан тўпланган маблағ ўша йиллар қанчадан-қанча ёрдамга муҳтож юртдошларимизнинг оғирини енгил қилган.

**Сиёсий алғов-далғовлар кучайган 1990 йилларнинг бошида, турли ҳаракат ва жамиятлар тузилиб, ҳар бири ўзича катта минбарлардан сўз айтишга ошиқаётган бир даврда Республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ортиқча шов-шувларсиз моддий ва маънавий ночор фуқароларга ўз ёрдамини кўрсатиш билан банд бўлди. Кимгадир дори-дармон, касалхонадагиларга кийим-кечак, яна кимгадир суннат тўйи учун пул, қариялар уйидагиларга совға-салом дегандай... Хуллас, ўзлигимизга хос иш билан шуғулланди.**

Афсус, жамғарма фаолияти узоққа бормади. Ҳаммани баравар тенг ҳуқуқли қилишнинг ваъдасини бериб, шўро ҳукумати унинг ишини тўхтатди. Жамғарма раиси Башруллохўжа Асадуллахўжаев (таниқли маърифатпарвар Убайдуллақори Асадуллахўжаевнинг укаси) қанча уринмасин, унинг ишини қайта тиклолмади. Буни қарангки, орадан саксон йил ўтиб, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига имкон яратила бошланди. Бир вақтлар ота ниҳоясига етказолмаган ишни фарзанд янгитдан бошлади. 1989 йили республикамизда тузилган меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасига раис этиб, Б. Асадуллахўжаевнинг ўғли, профессор Шабот Хўжаев тайинланди. Гап фақат у кимнинг ўғли эканлигида ҳам эмас, бу бир тасодиф бўлиши мумкин. Бу ерда бошқа мантиқ муҳим.

Аср бошида ўзанини йўқотган дарё аср ниҳоясида қайта топа бошлади. Озорланган азалий қадриятларимиз, топталган ғуруримиз жароҳатли, афтода бўлса-да, бизники эди. Ўзимизники эди. Энди биз ҳамманики деган сўзга эмас, ўзимизники, деган сўзга эътибор қаратмоғимиз муҳим. «Ўзимизнинг энг ёрдамга муҳтож эл-улусимизни қўллаш биринчи галдаги вазифамиз бўлди,—дейди Республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг илк фаолият йилларини хотирлаб Ш.Хўжаев.—Ундайлар жуда кўп эди. Четдан ёрдам кутиб бўлмасди. Фақат ўзимизникиларгина ўзимизга ёрдам бера олиши мумкин эди ўшанда. Шукрки, миллатпарварлик туйғуси асл юртдошларимиз қонида айлана бошлади. Ўзиники тугул етти ёт бегоналарга нисбатан инсонийликнинг энг буюк кўринишларини намоён эта олган халқ ўтиш даври қийинчиликларида бир-бирини суяй олди. Ана шу жараёнда бизнинг жамғармамиз қандайдир маънода суянч мактаби, суянч маркази вазифасини ўтай олди.»

Хўш, айтарсиз, маблағни қаердан олди? Ўша йилларда ҳамкорликда ишга туширилган кичик корхоналардан тушган даромад қўл келди. Ҳатто 1993 йилга келиб, аризачилар ўз улушларини жамғарманинг шахсий дўконидан олиб кетадиган бўлишди. Кейинчалик бу корхоналарнинг давлат томонидан таъминотида узилиш содир бўлгани боис, ишлар тўхтаб қолди. Жамғармадагилар ишни ҳомийлар кучига таяниб юритишга уриндилар. 1995 йилларда бақувват ҳомийларни топиш ҳам осонгина кўчадиган иш эмасди. Қолаверса, уларнинг кўпчилиги энди оёққа тураётган эди. Лекин саховат учунми иш енгил кўчди, вазиятдан чиқиб кетилди. Бу ёкда жамғарма тадбиркорлик ишларини бошлаб юборди. Унинг вилоятларда бўлимлари тузилди. Биргина Жиззах вилояти бўлимида 300 гектар ерга маҳсулотлар экилиб, даромад олина бошланди. Лекин кўп ўтмасдан жамғарманинг Тошкент, Сурхондарё сингари вилоятлари бўлимлари тарқатиб юборилди. «Юртбошимизнинг тараққиётни белгилашдаги бешта муҳим тамойилидан биттаси— аҳолини ижтимоий ҳимоялаш эканини тўғри англаган вилоят ҳокимлари раҳм-шафқат жамғармаларини қўллаб-қувватламоқда,—дейди Ш.Хўжаев. Аммо баъзи вилоят ва туман раҳбарлари нодавлат ташкилот—жамғарма фаолиятига нописанд муносабатда бўлаяптилар. Сайфиддин Турсунов бошчилигидаги Андижон вилояти раҳм-шафқат жамғармасининг фаолияти бугун тугаш арафасида. Ҳомийларни жалб қилиш у ёқда турсин, ўзининг 4-5 ходимига иш ҳақи беришга ҳам қурби йўқ. Шу вилоятнинг Избоскан бўлими туман раҳбари ёрдами билан яхши ишлар қилмоқда. Солижон Аҳмедов охирги йилларда ҳудудда бир неча миллион сўмлик хайр-эҳсон ишларини уюштирди. Ўтган йили республика жамғармасининг кўмаги билан болалар учун катта стадион қурди. Бу йил қишлоқ врачлик пунктини қураяпти.»

Истаймизми, йўқми, юртимизда борган сари нодавлат ташкилотларнинг нуфузи ортиб бориши тайин. Кучли фуқаролик жамиятининг асоси улар. Келинг, сиз билан биргина рўй берган ҳаётий воқеани таҳлил қилиб кўрайлик, ўзингиз амин бўласиз.

Бир неча йил илгари узоқ вилоятдан оддий бир фуқаро фарзандининг саломатлигини тиклашда жамғармадан ёрдам сўрайди. Беморга қўйилган ташхис оғир бўлиб, давоси хориж давлатидан топилишини, бунинг учун фалон минг доллар маблағ зарурлигини айтишади. Жамғарма маъмурияти бу оғир жарроҳлик ишини ўзимизда қилиш учун 3-4 йирик мутахассисдан маслаҳат олади. Баъзи тиббиёт олимлари кўниб, баъзилари иккиланади. Гап шундаки, 3 ёшли боланинг йўғон ичаги йўқ бўлиб, сунъий ичак ўрнатиш, бу вазифани ўтаётган қорин бўшлиғини табиий ҳолга келтириш лозим эди. Жамғарманинг зарур моддий кўмаги асосида ўзимизнинг олимлар ўта мураккаб жарроҳилик ишни уддалашади. Бугун бу бола 7 ёшга кирди, саломатлиги яхши.

Хўш, энди ўзингиз айтинг, фуқаролар саломатлиги учун қайси ташкилот, корхона, ё масъул раҳбар мазкур нодавлат ташкилотчалик муаммога холисона аралашади, ижобий ҳал бўлишига жон куйдиради?

Шу сингари эзгу ишлар кўпаётганидан беихтиёр кўнгил тоғдек кўтарилади. Наинки Ўзбекистон, ер юзини яхши одамлар елкаларида кўтариб тургандек ҳис қиласан киши. Иқтисодий бақувватлашаётган азиз юртдошим, улар томонга қаранг, елкангизни тутинг, улар оғирини енгил қилишда иштирок этинг. Зеро, сизни яхши амалларингиз юксак қилса, ажаб эмас...

***Мамлакат НОРМУРОДОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири***

---

## Малик Работлик Пушкин шеърияти билимдони

**Навоий туманидаги Малик Работ қўрғонига Москвадан келган хабар жуда тез тарқалди: МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилган Пушкинхонлик танловида Абдулла Қодирий номли мактабнинг ўқитувчиси Мамаражаб Шукуруллаев ғолиблар сафидан ўрин олди!**

**Қарийб 20 йилдан буён ёшларга рус тили ва адабиётидан сабоқ бериб келаётган ўқитувчи А. С. Пушкин шеъриятининг нозик томонларини ўзгача руҳда талқин эта билди. Анъанага кўра мукофотлар август ойининг охирида Москва шаҳри мэриясида тантанали равишда топширилади.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳайкалтарош даъвати

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида ҳайкалтарош Людвиг Нестеровичнинг шахсий кўргазмаси очилди. У «Пластика оламига дарча» деб номланган. Кўргазмадан ижодкорнинг қатор ҳайкалтарошлик асарлари билан бирга пластикада ишланган асарлари ҳам ўрин олган. Л.Нестерович сермаҳсул ҳайкалтарош. У асарларида бугунги жаҳоншумул муаммолар — инсон, ва табиат ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди, одамларни табиатни асрашга ундайди.**

**Дилфуза ҚЎЛДОШЕВА.**

---

## Яхши сўз суюнтирар, ёмони куюнтирар



*«...Пойтахтимизнинг «Қорақамиш-2/4» мавзеси ва «Экскаватор заводи» даҳаси оралиғида 4-йўналиш бўйича қатнайдиган троллейбуслар салонлари ниҳоятда кир-ифлос. Баъзилари ҳафталар мобайнида ювиб-тозаланмагани боис санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Ҳайдовчи ва паттачиларга бу ҳақда гап очсангиз, «Ёқмаса, троллейбусга чиқма, бор йўқол!» деб сизни ҳақорат қилишади. Исм-шарифларини сўрасангиз, айтишмайди. «Хоҳласанг катта холангга ёзмайсанми?» деб устингиздан кулишади».*

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманида яшовчи ҳуқуқшунос Х. Охунжонов таҳририятимизга йўллаган мактубда ана шундай жумлалар битилганди. Биз ушбу масалага муносабат билдиришни сўраб, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбариятига мурожаат этгандик. Яқинда уюшма бошқаруви раиси ўринбосари М. МИРҚОСИМОВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:

**Газетада босилмади, аммо...**

**«Х. Охунжоновнинг шикоят хати уюшмада транспорт корхоналари раҳбарларининг тасарруф бўйича ўринбосарлари йиғилишида ҳамда транспорт жамоаларида ҳайдовчи ва чиптачиларнинг умумий мажлисларида атрофлича муҳокама қилинди. 4-йўналишдаги троллейбуслар бошқарувчилари ва чиптачиларининг йўловчиларга қўполликлари ва эътиборсизликлари қаттиқ танқид остига олинди. Улар бундай ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли кўп минг сонли «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси жамоаси шаънига доғ тушираётганликлари таъкидланди. Шикоятномада тилга олинган камчиликлар юзасидан ҳайдовчи ва чиптачилар билан йўриқнома ўтказилди. Ҳар доим йўловчиларга хушмуомалада бўлишлари шартлиги уқтирилди. Ушбу йўналиш ишини назорат қилиш 3-трамвай-троллейбус депоси бошлиғи Ф. Азимов зиммасига юклатилди.**

**Уюшма раҳбарияти «Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида шаҳар хўжалигининг долзарб мавзуси — транспорт муаммолари ҳақида мақолалар бериб бораётганлиги учун таҳририятта миннатдорчилик изҳор этади. Бундан кейин ҳам йўловчи ва ҳайдовчи мажбуриятлари, уларнинг ўзаро муомала маданиятига бағишланган холис-ҳаққоний мақолалар ёритиб борилишига умид билдиради».**

---

# УРИБ ҚОЛСАНГ — УРИЛАСАН

Зангиота туманидаги «Зокиржон» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси оператори Аъзам Ҳасанов харидор Ўткир Хўжаевдан 2,5 литр бензинни уриб қолмаганида, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверарди. Харидор машина бакига 40, канистрга эса 20 литр А-76 русумли бензиндан қуйиб беришни сўраб, операторга 14400 сўм узатди. У пулни санаб олди-да, шу суммага яраша назорат-касса машинаси чекини берди ва бензин қуйишни бошлади.

Бакка бензин тўла қуйилди. Лекин канистрга қуйилганининг тоши енгилроқ туюлди. Шу пайт пайдо бўлган солиқ хизмати ходимлари харид қилинган бензинни давлат стандарти кўригидан ўтган махсус ўлчагич билан қайта ўлчаб кўришганида, оператор А. Ҳасанов харидор ҳақидан 600 сўмлик 2,5 литр бензинни уриб қолганлиги тасдиқланди.

Шундан сўнг текширувларни чуқурлаштиришга тўғри келди. Оператор ва холислар иштирокида шохобча кассасидаги савдо тушуми санаб чиқилди: мавжуд нақд пул 495 минг 25 сўмни ташкил этди. Бу маблағ назорат касса машинаси ҳисобот кўрсаткичлари ва назорат касса машинаси китоби кўрсаткичлари билан солиштирилганда, АЁҚШ оператори А. Ҳасанов томонидан 214 минг 425 сўм савдо пули назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги ойдинлашди.

Текшириш давомида шохобчадаги мавжуд ёнилғи маҳсулотлари қайта ҳисобдан ўтказилгач, 214 литр А-76 русумли бензин ёнилғисидан камомад борлиги аниқланди. Бундан ташқари, шохобча учун чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг амал қилиш муддати ҳам 2003 йил 3 январдаёқ тугаган экан. Ушбу ҳолатлар бўйича дарҳол суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Хуфия йўллар билан бойлик орттириш кўчасига кирган баднафслар қўшни туманда ҳам илдиз отган экан. Янгийўл тумани давлат солиқ инспекцияси «Ишонч телефони»га тушган хабарда Эски қовунчи қишлоғидаги Дархон маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Феруза Раҳмонова хонадонида буханка нон тайёрловчи яширин цех ишлаб турганлиги маълум қилинган эди. Солиқ хизмати ходимлари бу хабарнинг қанчалик тўғрилигини текшириш учун ўша манзилга кириб боришганида, буханка нон ортилган «Дамас» машинаси эндигина йўлга тушмоқчи бўлиб турган экан.

Солиқчилар машинани тўхтатиб, нонларни санаб кўришди: 94 дона чиқди. Бироз ҳаялланилса борми, нонлар 9400 сўмга сотилиб кетарди.

Маълум бўлишича, нонлар пишиқ ғиштли кўлбола печда тайёрланар экан. Печ тагида табиий газ ловуллаб ёниб турарди. Газ қувурининг бир учи ташқаридан ўтган асосий қувурга яширинча уланган эди. Эътибор билан қарамаган кишига уланган жой кўринмасди. Демак, ёқилган газ учун ҳақ тўланмаган. Май

**Назорат**

ойининг бошидан бери салкам 100 минг сўмлик буханка нон тайёрланган бўлса, энди шунча нонни пишириш учун қанча табиий газ сарфланган?

Самарқанд вилояти солиқ хизмати ходимлари ўтказган тезкор текширувлар давомида ҳам йил бошидан бери ўндан ортиқ яширин цехлар фош этилди. Яқинда Нарпай туманида бирйўла иккита яширин ёғ цехи фаолиятига чек қўйилди. «Нарпай» ширкат хўжалиги 2-бригадасида истиқомат қилувчи Шарифа Эшпўлатова ва Мирбозор қўрғонида яшовчи Шермамат Ҳамроев ташкил этган цехлардан бир талай чигит, кунжара, ёғсимон суюқлик далилий ашё сифатида олиниб, суриштирув ҳаракатлари бошланди.

Боғишамол туман Ҳ. Олимжон кўчасида истиқомат қилувчи Ҳамро Қобилов эса кунлар исиши билан одамларнинг яхна ичимликка эҳтиёжи ортишини ҳисобга олиб, уйида газли сув ишлаб чиқаришни бошлаган экан. Бундан ҳушёр солиқчилар хабар топиб, дарҳол ноқонуний цех эшигига қулф урдилар. Сув қуювчи, шиша қопқоқловчи ускуналар, тайёр маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди. Булунғурлик фуқаро Пўлат Бегалиевнинг макарон ишлаб чиқарувчи яширин цехи ҳам юлдуз кўрмай жон берди. Цехдан 20,5 минг сўмлик тайёр маҳсулот далилий ашё сифатида олинди.

Айрим кишилар амалдаги қонун-қоидаларни билсалар ҳам, уларга нисбатан атайин зид иш қилмоқдалар. Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобда назорат касса машиналаридан фойдаланиш мажбурий қилиб қўйилганига неча йиллар бўлди. Бу йўналишда қанчадан-қанча қарорлару фармойишлар ҳам қабул қилинди. Гўёки булардан бехабардек, Самарқанд вилояти «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Ургут шаҳридаги 1-дўкон эгалари назорат касса машинасиз ишлаб келишаяпти. Солиқ хизмати ходимлари ўтказган тезкор текширув давомида «Карат-1500Д» русумли назорат касса машинасини хўжакўрсинга туман давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказишибди-ю, амалда эса машинасиз ишлаётганлари маълум бўлди. Шу куни машинасиз савдо қилинган 159 минг 900 сўм нақд пул тушуми қоғоз қутида тахлоқлиқ турарди. Бунинг устига, акциз маркасиз 11200 сўмлик спиртли ичимликлар савдога қўйилганлиги ҳам маълум бўлди. Мана, энди сирлар очилгач, дўкон мудири Рауф Паттаев ўзини қўярга жой тополмай юрибди.

Ургут шаҳридаги «Аслам ХХ» хусусий фирмасига қарашли 2-сонли ошхонада ҳам шундай қоидабузарликлар кўзга ташланди. Маълум бўлишича, ошхона шу кунгача бирор жойда рўйхатдан ўтмаган экан. Назорат касса машинаси эса умуман йўқ. Ошхона ошпази Толиб Очилов ўша куни савдодан тушган 45 минг сўм тушумни қоғоз қутига жойлаб қўйибди.

Хусусий тадбиркор Санобар Раҳмонованинг Самарқанд шаҳар Темирйўл туманидаги дўкони текширувдан ўтказилганида, назорат касса машинасининг ҳисоботи билан нақд пул қолдиғи ўртасида 3285 сўм камомад чиқди. Дўконда божхона кўригидан ўтмаган ва сифат сертификати бўлмаган 21 қоп ун сотилаётганлиги аниқланди.

Бундай ҳолатлар, албатта, жазосиз қолмайди. Эл-юрт олдида юзим шувут бўлмасин, деган тадбиркор ва тижоратчи тўғри яшаб, тўғри меҳнат қилишни ўзига шиор қилиб олмоғи керак.

**Жасур НОСИРОВ,**
**ДСҚ матбуот хизмати бош мутахассиси.**

Шеърхонлик

*Чапанилиги, ҳазилкашлиги сусаймас экан, бу – ўзбекнинг қони бузилмаганидан бир далолатдир. Қувноқфеъллар орасига Мулла Мискарнинг кириб келиши кўпчилик ҳангомасеварлар учун яхши совға бўлди. Унинг ғазалларини тинглаб, роса маза қилдим. Айниқса, у аруз қоидаларини тушунишда Уста Гулматдан кўра саводлироқ эмаслигини пайқаб кўнглим янада равшанлашди.*

*Девонаваш шоирларга малай бўлиш нақадар қийинлигини бошдан ўтказиб билганман. Шоир укамга худо сабр-чидам берсин.*

**Анвар ОБИДЖОН**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ЁЗДИЛАР

*ЗАГС котиблари маним бахтимни қора ёздилар,*
*Ёзибон боз устига туфлаб печотин бостилар.*

*Итланиб ойга боқиб солғон увиллоқ додима*
*Неча мажнун чок яқо айлаб*
*ақлдан оздилар.*

*Мен хотун жабри сабабдин*
*ўлгали тайёр эсам,*
*Янглишиб уйланмағон Машрабни*
*дорга осдилар.*

*Кўзёшим дарё бўлибон*
*гуллади рибхўз неча,*
*Марказий Фарғонада мажбур*
*каналлар қаздилар.*

*Гаҳи нос бирла шароб кайфида*
*Фарҳод ўлалим,*
*Лек «жаҳон оинаси»да қийпанг*
*қилар алвастилар.*

*Икки қиз шайдо эди шоирлигимнинг ҳурмати,*
*Мен хотун олгач алар связни бирдан уздилар.*

*Мискаро, энди умр ўтгайму бир хотун ила,*
*Қизчалар шеърим ўқиб, шаъмамни зора сездилар.*

## БОШГА ТУШСА

*(«Оқбилак ойим анжанли» оҳангида куйланади)*

*Бошга тушса кўз кўрар, бордим, келиб тақдир гали,*
*Гоҳ касал боргай ахир боларига чақтиргали.*

*Қурсалар оғу завўд бўлмасму бу қиз заҳрига,*
*Қошлари ўйнар косовдек дилга ўт ёқтиргали.*

*Қўл ила кўнгли очиқ жўмард йигитман эл аро,*
*Гул узиб элдим бировнинг боғидин, оғдиргали.*

*Боқмайин гулга қиё тайсаллади ер депсиниб,*
*Бўйлакими янги сигир қўймас яқин соғдиргали.*

*Тобакай бундайин хўра қизга ота овқат ташир,*
*Барибир эрга беродур ўзгага боқтиргали.*

*Бу музофотда ўзим, Мискар, этикдўзман, бале,*
*Туфлиси «илжайса» зора, келса ёр қоқтиргали.*

## ТЎРТЛИК

*Амалдан бўшаган одам бегумон*
*Кўрингай ҳар кўзга ҳар хил ҳамиша.*
*Ўйнашин кўзига – бўшаган ҳамён,*
*Улфатин кўзига – бўшаган шиша.*

## ТУЮҚ

*Атиргуллар очган чоғи эрта лаб,*
*Керишиб кўчага чиқдим эрталаб.*
*Бир гала қиз ўтиб борар «тақа-туқ»,*
*Ярми илмталаб, ярми эр талаб.*

**Мулла МИСКАР.**



Кун жуда иссиқ-я...

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ сурат-лавҳаси

# Ҳикматлар булоғи

Маърифатхона

*Конфуций (хитойча Кун-цзи, милоддан аввалги 551-479 йиллар) Шарқнинг буюк донишмандларидан саналади. У ўзига хос мафкуравий йўналиш – конфуцийликка асос солди. Милоддан аввалги II асрдан 1913 йилгача Чин давлати – Хитойнинг расмий мафкураси конфуцийлик эди. Бу таълимот фалсафий-диний тизим сифатида таркиб топган бўлса-да, унда умуминсоний ахлоқ тамойиллари баён этилган. Конфуций инсонпарварликни жамият ва оиладаги ўзаро муносабатларнинг олий қонуни сифатида тарғиб қилди. Аждодлар удумларига эътиқод унинг таълимотида муҳим аҳамият касб этган.*

*Конфуций асарлари бизгача етиб келмаган. У ўз таълимотини оғзаки суҳбатларда баён этарди. Афоризм – ҳикматли сўз унинг наздида фикрни ёрқин ифодалаш воситасидир. Конфуций таълимотининг асоси бўлган «Луи юй» («Суҳбат ва мулоҳазалар») рисоласини шогирдлари ёзиб қолдирган. Қуйида ушбу ҳикматлардан «бир чимдими» билан танишасиз.*

Ҳақиқат — барча мавжуд нарсаларнинг муқаддимаси ва интиҳосидир. Агар ҳақиқат бўлмаганда ҳеч нарса бўлмасди. Шу боис донишмандлар уни хазина деб билишади. Одамлар унга эътибор беришмаса ҳам ҳақиқат ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

* * *

Гаплашиш мумкин бўлган одамлар билан гаплашмасангиз, одамларни йўқотасиз. Гаплашмаслик керак бўлган одам билан гаплашсангиз, сўзларни йўқотасиз. Донишманд кишиларни йўқотмайди, шу жумладан сўзларни ҳам.

* * *

Одамлар мени танимайди деб қайғурма, одамларни танимаслигингдан қайғур.

* * *

Агар сен тўғри иш қилсанг, буйруқсиз ҳам ортингдан эргашиб бораверишади. Мабодо нотўғри иш қилсанг, буйруғингга ҳам қулоқ солишмайди.

* * *

Биладиган нарсангнигина биламан де, билмаган нарсангни эса билмайман де. Шунинг ўзи билим.

* * *

Вақт шундай бешафқат ўтиб борадики, дарё каби уни ҳеч ким тўхтата олмайди.

* * *

Фикр қилмай таълим олиш беҳуда, таълимсиз фикр қилиш хавфли.

* * *

Қилаётган ҳар бир ишимизнинг боши ва якуни бўлади. Кимки ўз хатти-ҳаракатининг боши ва охирини аниқ англай олса, у ҳақиқатга яқин туради.

* * *

Юксак ахлоқли бўлиш руҳан эркин бўлиш демак. Доимо кимгадир ғазаб қилувчи, тўхтовсиз бирор нарсадан қўрқувчи ва ҳиссиётлар гирдобига берилувчи одам руҳан озод бўлолмайди. Кимки, ўз диққатини жамлай олмас экан, тинглаб туриб эшитмайди, қараб туриб кўрмайди, еб туриб таъмни фарқлай олмайди.

* * *

Хато — хато эмас, тузатиб бўлмайдигани хато.

* * *

Инсон ўз йўлини буюк қилиши мумкин, бироқ йўл инсонни буюк қилмайди.

**Рустам БОЙТЎРА тайёрлади.**

# GURUNG

Мактуб

## Кўнгилдаги гап

«Гурунг» саҳифаси тиклангани кўнглимиздагидек иш бўлди. Бу саҳифада чоп этилаётган бири-биридан қизиқарли хабар ва лавҳаларни ўқиб маза қилаяпмиз. Айниқса, серкулгу шеър ва ҳажвияларнинг берилиши мақтовга лойиқ. Бундай чиқишларга ҳеч қандай эътироз билдирмаган ҳолда, бир таклиф айтмоқчиман. Яъни, мана шу саҳифа орқали таниқли ижодкорлар билан суҳбатлар, марҳум санъат дарғалари тўғрисидаги хотиралар ҳам бериб борилса нур устига аъло нур бўлар эди. Шунингдек, миллий адабиётимиз ва санъатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган, қўшаётган ижодкорларнинг суратлари берилса, ушбу саҳифанинг мазмуни янада бойиши аниқ.

***Сизларга ҳурмат билан бир гуруҳ газетхонлар номидан Эрали Эркабоев. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани.***



Янгисидан



## МУТАХАССИС — МУТАХАССИС-ДА!

— Ишни ободонлаштиришдан бошлаганингиз муъқул, — маслаҳат берди туман маданият бўлими бошлиғи янги тайинланган кутубхона мудирига. — Илгари биноларни оқ рангга бўяшарди. Ҳозир кул ранг мода.

Янги мудир бошлиғига бир сўз демай, топшириқ ижросига киришди: оппоқ бино кул ранг бўлди.

Бир ҳафталар ўтиб ҳоким ўринбосари бўлим бошлиғи билан бирга келиб қолди.

— Бинони ҳам кул рангга бўяйдими? — ўринбосар бир мудирга, бир унинг бошлиғига савол назари билан қараб давом этди. — Қайси аҳмоқ калладан чиқди бу?

Шубҳасиз, мудир «аҳмоқ калла»ни сотмади: ўз калласи кетиб қолишини билади–да. Ҳатто хижолат тортмасинлар деб ердан кўзини олиб, юзларига қараб ҳам қўймади.

— Ҳозир яшил ранг мода бўлган. Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда бинони яшилга бўятардим,—деди ўринбосар кетар чоғи.

У — раҳбар, қоровул чолу, фаррош кампир — уста, бино яшил тусга кирди.

Иш бир аксидан келса ёмон-да. Ҳоким бува яшил бинони кўриб фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Бирор жойда яшил бинони кўрганмисан? Дид, фаросат борми сенда ўзи! — қўлларини пахса қилиб мудирга бақирди.

Мудир икки биқинида турган раҳбари билан ўринбосарга бир-бир боқиб, ерга қаради.

— Ҳов, атрофингга боқсанг ўласанми? — ҳоким авжини олди. — Ҳов, қўшма корхона биносини кўряпсанми, қизғиш ранг, аломат чиқибди! Ўргансанг, ибрат олсанг бир жойинг камайиб қолмас!

Улар жўнаб кетишди-ю, мудирнинг боши қотганича қолди. Хўп, қизғишга бўяш қочмас. Аммо ҳали бошқармадан келадиганлар бор...Вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосарларидан бирортаси қадам ранжида қилиши мумкин. Ҳатто вазирликдан ҳам бирор киши, «Аҳволларинг қалай, бўталоқларим?» дея келиб қолиши ҳеч гап эмас...

Мутахассис билан маслаҳатлашди.

— Бинони олтмиш олти хил рангга бўянг. Эшик ва ромларни оққа, деворларини қирққа бўлиб олиб бирини кўкка, иккинчисини қизилга, учинчисини сариққа, тўртинчисини қорага бўянг.Иложи бўлса икки томонидан жой ташлаб кетинг. Юқоридан келган раҳбар бирор рангни тавсия қилса бўяб қўясиз, вассалом.

Мудирнинг юзига табассум югурди.Ўзича бош қимирлатиб, «Мутахассис барибир мутахассис-да!» деб қўйди.

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ, Самарқанд.**

Хориж спорти

## «Пул ўлсин-а, пул ўлсин...»

Деярли бир йилдан буён жаҳон футбол аҳлини қизиқтириб келаётган «Бекхэм Реалга ўтадими?» деган саволга ниҳоят жавоб топилди. Англиянинг энг номдор, етакчи футбол клубларидан саналган «Манчестер Юнайтед» вакиллари энди Девид Бекхэмни собиқ сардор сифатида эслайдилар. Гап шундаки, «қизил иблислар» сардори бугунги кунда энг машҳур спортчиларнинг олдинги сафида турадиган футболчи сифатида дунёга донг таратган. У етакчилик қилган жамоанинг обрўси ҳам ҳавас қиларлидир. Шунинг учун бўлса керак, айрим хорижий нашрларда Девид Бекхэмнинг Мадриднинг «Реал» клубига ўтганлиги шундай изоҳланмоқда: «Унинг шу пайтгача «Қироллик клуби»га ўтмаётганлигига сабаб ўзининг нархини оширишдан бўлак ҳеч нарса эмас». Бироқ биз бу фикрларга унчалик қўшилмаймиз. Чунки 28 ёшли бу футболчи айни пайтда Англиянинг энг бой кишиларидан саналади. Шу маънода айтмоқчимизки, бугун ўз таркибига жаҳоннинг энг машҳур футболчиларини жамлаган Мадриднинг «Реал» клуби яна бир порлоқ юлдуз билан бойиди. Девид бу жамоага ўтиш билан ҳақиқий юлдузлар фақат шу клубда тўп суришига ишора қилган бўлса ажабмас.

## Ғалабага тенг мағлубият

Бокс мухлислари июнь ойининг 21 санасида бўлиб ўтган Лъюис-Кличко жангини томоша қилганлари аниқ. Украиналик ака-ука боксчиларнинг тўнғичи Виталий Кличко анчадан бери англиялик Леннокс Лъюисни рингга чорлаб келаётган бўлса-да, бу таклиф жавобсиз қолаётган эди. Ниҳоят, жанг куни белгиланди ва жаҳоннинг икки гигант боксчиси жангни шиддатли тарзда бошлади. Беллашув бошида, гарчи, Кличко яхши зарбалар билан рақибини довдиратиб қўйган бўлса-да, қора танли боксчи барибир ўз услубини (таъбир жоиз бўлса айёрлигини) ишга солиб, 3-раундда украиналик чарм қўлқоп устасининг қошини ёриб юборди ва жароҳат устига қайта-қайта зарба бераверди. Олтинчи раундга бориб эса шифокорлар жангни тўхтатишди. Виталий бу қарордан норози эканлигини тушунтиришга ҳар қанча ҳаракат қилган бўлса-да, унинг эътирозлари инобатга олинмади.

Таъкидлаш жоизки, кўплаб бокс мухлислари бу жангда Виталий Кличконинг дастлабки дақиқалардаёқ мағлубиятга учрашини «башорат» қилишган эди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Гарчи украиналик боксчи бу учрашувда енгилган бўлса-да, ўзининг ажойиб ҳаракатлари билан дунёнинг айни пайтдаги чемпионига муносиб рақиб эканлигини исботлади. Шунинг учун бўлса керак, Виталий Кличкони томоша залида ўтирган барча-барча мухлис бирдек қўллаб-қувватлади.

Ҳа, ҳақиқий жанг шунақа бўлади—мағлуб бўлсанг-да, мағрурлигинг тан олинади.

**Мақсуд МИРЗО тайёрлади.**

## КАСБ ТАНЛАМАЙ МЕН ЎЛАЙ

**(Ҳажвия)**

**Саид АНВАР**

Отам раҳматли, «Жунадулла, ота касбини танлаган хор бўлмайди, қассобликда ҳикмат кўп», деса, «Гўнг ҳидлаб, ичак судраб, суяк излаб юраманми?» деб бурун жийирибман-а! Бармоғимни осмонга ниқтаб, «Мен актёр бўламан, актёр!» дебман камига. Хом сут эмган бандамиз-да!

Рақамларга мурожаат қиламиз: Саккиз марта ўнг қўлим синди, етти марта чап. Уч марта ўнг, икки марта чап оёғим шифокорлар хизматидан баҳраманд бўлди. Чиққан қўл-оёқларимнинг, синган қовурғаларимнинг ҳисоби йўқ. Олти марта нокдаун ҳолатига тушдим. Бурнимда ўтказилган пластик операция ҳозирча битта. Тўққиз марта қошимни, беш марта лабимни тиктирдим. Тишларимни буткул янгилаганман.

Қалай, кўрсаткичлар ёмон эмас-а?

«Актёр эмас, боксёр бўлибсиз-да!» дерсиз? Э, тополмадингиз. Актёрнинг ғирт ўзи бўлдим.

Театрга ишга келиб дастлабки уч ойни ҳуштак чалиб ўтказдим: ҳуштакчи ролини ўйнамадим, ҳуштакнинг ўзи тегди менга. Саҳнада ўйнаётган актёр «вишт!» деб итини чақириш керак. Афсуски актёр ҳуштак чалишни унча эплолмади. Мени ёллашди. У рол ўйнайди, мен саҳна ортида туриб, ҳуштак чалиб, итни чақириб берадиган бўлдим. Яна уч жойида: бошида, ўртасида, охирида. Олдин ёки кейин чалиб юбориш мумкин эмас — томоша бузилади. Кўзимни саҳнага михлаб ўтираман. «Ҳуштак жойига тушмади», деган гап бўлиши мумкин-да. Мен-ку ҳуштакни роса ўрнига туширдим, аммо ит, итлигини қилиб эгаси саҳнада қолиб, мен томонга чопиб қолса бўладими! Эшакдай келади ўзиям. Қочмай кўринг — ейди. Спектакль бу ёқда қолди, ит икковимиз томоша кўрсатдик. Саҳна қолиб томошабинлар ичида ҳам итдан қочиб юрибман.

Спектаклдан кейин мени хўп чилёсин қилишди. Итни ҳам эгасининг олдига борадиган қилиб ўргатишди. Аммо ҳуштак чалиб юравериш ҳам жонга тегди.

— Шунақа қилиб ҳуштак чалиб юраверамизми?- дедим режиссёрга.

— Ўйнайсанми?- деди у.

— Ўйнайман,-дедим дангал.

— Унда саҳнага чиқ,- буйруқ қилди режиссёр.

Шифоқор тўғрисидами, аллақандай спектакл қўйишаётган экан. Тепага чиқиб кетаётган одам томга етай деганда гурсиллаб йиқилиб тушаркан. Ана шу одам ролини менга беришди. Репитиция бошланди. Йиқилдим.

— Йўқ, йўқ, унча ўхшамаяпти, томошабин ишонмайди. Юракдан чиқариб йиқил, — деди режиссёр.

Юракдан чиқариб йиқилишим учун етти қават кўрпани солиб қўйишган бўлса экан. Қуруқ полга қулашим керак. Баландлик уч ярим метр. Камига:

— Йиқилганингда бошинг манави тошга тушса янаям жонлироқ чиқади!- дебам қўяди.

Бошим тошга тегса, жоним чиқиб кетишини ўйламайдиям, касофат. Ўн учинчими, валлоҳу алам, ўн тўртинчи марта йиқилганимда:

— Во! Зўр! Эртага спектаклда ҳам худди шундай йиқил!- деди режиссёрим шодон.

Ҳақиқатан ҳам, зўр, зарданинг ҳаммасини шунга сарфлаб йиқилгандим, репитициядан тўғри шифохонага кетдим. Бир ой қўлимни тахтакашлаб юрдим: Худога шукур, саҳнага чиқмадим.Тахтакашни олдирган куним режиссёрим йўқлаб турибди-ю!

— Дублёринг унча ўхшатолмаяпти, эртадан бошлаб ўзинг ўйнайсан!

— Э, йўқ, кеча кўрдим зўр йиқиляпти. Қўлимнинг тахтакашини ҳам кечагина олдирдим.

— Санъат қурбонсиз бўлмайди, ўйнайсан.

Бошланди. Санъат йўлида оёқ, қўл, бел, қовурғаларни берин-кетин қурбон қилишни бошлаб юбордик. Спектакль ҳам тўхтаб-тўхтаб (аниқроғи менинг соғайишимга қараб) роса икки йил ўйналса бўладими! Ўйнайман, йиқиламан, шифохонага жўнайман. Ўйнайман, йиқиламан, шифохонага жўнайман... Шифокорлар ҳам таниш бўлиб кетди. Томошамиз кўрсатиладиган кунга гипс, тахтакаш, докаларни тахт қилиб туришади. Кетаётганимда, «Кейинги томоша қачон бўлади?» деб сўраб ҳам қўйишади. Энг алам қиладигани бирор оғиз сўз айтмайман: фақат йиқиламан. Белимнинг гипсини олдирган куним энди отиб юборса ҳам ўйнамайман, дедим ўзимга ўзим, Йўқ, ҳарқалай янги роль таклиф қилиб қолишди.

— Яна йиқиладиганми? — сўрадим белни уқалиб туриб.

—Йўқ.

— Унда қаҳрамон бирор оғиз гапирмаса керак-а?

— Сўзиям бор. Жуда сенга тушади. Характерингга мос! — режиссёрим бош бармоғини кўрсатди.

Ҳа, айтганидай жуда зўр экан. Боксёр йигит рақибини панада пойлаб тураркан. Рақиби саҳнада пайдо бўлади, юзига мушт келиб тушади, афт-башараси қонга бўялади, уч метр жойга учиб тушади. Ана шу мушт еб, учиб кетадиган йигит роли бизга тегди. Яна сўзиям бор. Оғзимни тўлдириб, «Нега урасиз?» дейман юзимдаги қонни артиб. «Ие кечирасиз, мен сизни Болтавой дебман», дейди, тамом. Афтимга рўмолчани босганча саҳнадан тушиб кетаман. Яна денг камига боксёр йигит ролида эски рақибим: бир замонлар хотиним ортидан гул кўтариб юрган курсдошим. Юракдан чиқариб, шунақа ўхшатиб уради, лаънати, тишларимни ғижиллатиб, «Бизга ҳам навбат келиб қолар», дейман ичимда. Яхшиям хотин билан бирга ишлаймиз, саҳнадан тушишимга шўрпахтани тайёрлаб туради, босамиз, қонни тўхтатамиз. Эртасига грим билан юзларни бўяб, яна саҳнага чиқиб бораман, қарсиллатиб муштни ейман, саҳнадан тушаман, хотин шўрпахтани тайёрлаб турган бўлади...

— Ҳов!- дедим бир куни режиссёрга жон-поним чиқиб.— Буям эркак, бирор мушт урсин!



— Қани репетиция қилиб кўрамиз. Майли сенам бирор мушт ур. Аммо асосий зарбани у беради,- деди режиссёрим.

Тилим қурсин-а, тилим. У урди. Ургандаям шунақа ўхшатиб урди, бай-бай-бай! Гаранг қуйдай саҳнани айланиб юрибман, кўринмайди лаънати. «Қочвордимикан?» деб турсам яна битта мушт келиб тушди: «Вой-вой-вой-эй!» Нокдаун!

—Зўр! Зўр! — деган режиссёримнинг овози узоқ-узоқлардан эшитилди. — Бундан буён худди мана шундай ўйнайсизлар.

Бир мушт ўрнига икки мушт ейдиган бўлдим. Ачинарлиси, спектакль тўхтовсиз уч ой ўйналса бўладими! Яхшиям хотин бор — саҳнадан тушишимга шўрпахтани тайёрлаб туради, босамиз...

— Ўйнамайман! — деб кўрдим.

— Қанақасига ўйнамайсан, томошабин сени кўргани театрга келяпти! — деган жавобга эга бўлдим.

Лекин машҳур бўлиб кетдим. Ҳатто талабалар жамоага қўшиб мениям учрашувга таклиф қилишди. Оқ костюм-шимларни кийиб, қизил галстукларни боғлаб (артист бўлиб қолдик-да) савлат тўкиб учрашувга кириб бордим. Савол-жавоблар бўлди, ёмон эмас. Фақат охири чатоқ бўлди. «Севимли ролларингиздан бирортасини ижро этиб берсангиз», деган таклиф тушди. Ҳуштакчи ролида умуман саҳнага чиқмаганман. Йиқилиб берай десам, бу ерда на том бор, на нарвон.Ноилож калтак ейдиган ролимни ижро этиб берақолдим. Яхши рақибим ҳам биқинимда ўтирганди, гумбирлатиб урди: оқ костюм қизил бўлди, қўлда гулдаста билан учрашувдан қайтдим.

«Шўринг қурсин!» дейсизми? Раҳмат. Аммо ҳали, ҳануз шўрим қуримайдиганга ўхшайди. Учта вилоятдан таклифлар тушибди: билетларни сотиб, жойларни тайёрлашиб қўйишибди — бир ойдан мен калтак ейдиган спектаклни намойиш этарканмиз. Ҳа, табриклайверинг, республика бўйича айланиб юриб калтак еб чиқарканман! Хотинни сафарга борадиганлар рўйхатига қўшишмаган экан, қўштириб қўйдим. Уям кетяпти шўрпахтасини кўтариб.

Устига устак режиссёрим мени янада хурсанд қилиб:

— Қўлимга бир ажойиб трагедия тушди. Гастролдан эсон-омон қайтсанг (аблаҳнинг нафасини қаранг!) саҳналаштирамиз. Сенга зўр роль бор —ўлик роли. Бир боплаб ўлиб берасан! — деяпти.

Ҳа, пешона-да, пешона. Йиқитгани, калтаклатгани етмаганди. Энди ўлдириб, қўмади шекилли мени!

Аммо жа хафа бўлаётганим йўқ. Мен саҳнада йиқиламан, калтак ейман, э, боринг ўларканман. Ҳаётда менинг ролимни ўйнаб юрганлар камми? Нима дедингиз?

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаниберганов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 608. 22990 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6